

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

_____ Ж.Р.Зайналов
Баённома №___ 2017 йил ___ июнь

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-313 гуруҳ талабаси

Рустамов Мухриддиннинг

**«Солиқ юкини корхоналар молиявий фаолиятига таъсирини
юмшатиш йўллари (Ургут туман ДСИ маълумотлари бўйича)»
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: асс. Хамроев М.С.

Илмий маслаҳатчи: Хужамуродов Ж.

- Ургут туман ДСИ бошлиғи

САМАРҚАНД – 2017

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Солиқ юкининг иқтисодий субъектлар фаолиятига таъсири	
1.1. Солиқ юки ва унинг мажбуриятлари.....	8
1.2. Солиқ юки даражасини пасайиши ва ЯИМ ўсиши даражаси.....	10
1.3. Солиқ юкининг таркибий тузилиши.....	14
II Боб. Солиқ юкини даражасини белгиловчи омиллар ва уни аҳоли яшаш даражасига таъсири таҳлили	
2.1. Солиқ юки даражасини белгиловчи омиллар.....	17
2.2. Амалдаги солиққа тортиш тизими доирасида солиқ тўловчиларни гуруҳлаш орқали солиқ юкини аниқлаш.....	20
2.3. Солиқ юкининг аҳоли яшаш даражасига таъсири таҳлили.....	23
III Боб. Солиқ юкини корхоналар молиявий фаолиятига таъсирини оптималлаштириш йўллари	
3.1. Солиқ юкини баҳолашни такомиллаштириш орқали корхона молиявий фаолиятига таъсирини юмшатиш йўллари.....	27
3.2. Солиқ юкини юмшатиш ва уни оптимал даражасини аниқлаш йўллари.....	30
3.3. Солиқ юкини оптималлаштириш орқали корхоналар молиявий фаолиятини бажарилишини таъминлаш йўллари.....	36
IV Боб. Ургут туман ДСИда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	41
4.2. Ургут туман ДСИ ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	42
4.3. Ургут туман ДСИда фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора- тадбирлари.....	47
4.4. Ургут туман ДСИда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	54
Хулоса.....	56
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	58

Кириш

Иқтисодиётни тартиблашга солиқлар орқали таъсир ўтказишда солиқнинг икки даражаси, унинг иқтисодий тараққиёт жараёнига, аҳолининг турмуш даражасига таъсири муҳим аҳамият касб этади. Солиқ юкининг муайян давр учун илмий асосланган, адолатли ва реал вариантларнинг қўлланилиши кўпгина ривожланган давлатларда иқтисодиётнинг самарали ривожланиб боришни таъминланганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида солиққа тегишли қонун ҳужжатларининг тамойиллари берилган бўлиб, унга кўра «Белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиш ёки солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиш ёки унга ғов бўлиш мумкин эмас»¹, деб ёзиб қўйилган.

Солиқ юки муаммосининг долзарблиги шундаки, у иқтисодий субъектлар зиммасидаги барча тўловларни ўзида мужассамлаштириб уларнинг иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатади. Солиқ юки ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда, айниқса, ўткир тарзда намоён бўлади. Солиқ юки муаммоси иқтисодий сиёсат нуқтаи назаридан ҳам долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида солиқ тизимини такомиллаштириш ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятига таъсирини камайтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юкини кескин камайтириш давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжига салбий таъсир кўрсатади ва аксинча, солиқ юкини ошириш молиявий аҳолининг ёмонлашувига олиб

¹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: 1999. Ўзбекистон Республикасининг Молия қонунлари. №7. 4-модда.

келиши мумкин. Шу мақсадда, ушбу субъектлар учун солиқ юкининг оптимал даражаларини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш лозим.

Давлат томонидан корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига карамай, ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудки, улар бугунги кунда махсус чуқур илмий изланишлар олиб боришни талаб этади. Шунинг учун республикамизда солиқ юкининг корхоналар молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсирини ўзаро боғлиқликда илмий тадқиқ қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири, уни баҳолашнинг айрим муаммолари хорижлик, маҳаллий олим ва мутахассислар илмий асарларида тадқиқ қилинган. Хусусан, хорижлик олимлардан В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Дж.Кейнс, Ф.Нитти, А.Лаффер, К.Макконел, С.Брю, Н.Менкьюлар²нинг ва МДҲ олимларидан А.Исаев, Д.Черник, А.Соколов, А.Брызгалин, В.Пушкарева, Е.Кирова, Е.Егорова, Ю.Петров, Т.Юткиналар³нинг илмий ишларида солиққа тортишни такомиллаштириш, солиқ юкининг тақсимланиши, хўжалик фаолиятига таъсири, аниқлаш услублари тадқиқ қилинган. Маҳаллий олимлардан Ж.Зайналов, Т.Маликов, О.Олимжонов, О.Абдурахманов, А.Ваҳобов, Қ.Яҳёев, Н.Ҳайдаров, М.Алимарданов, А.Жўраев, Б.Тошмуродова, Ш.Тошматов, Б.Исроилов,

² Антология экономической классики: В. Петти, А. Смит, Д.Рикардо. Пред. И.Столярова. – М.: Эконом-ключ, 1993. – 560 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002. – 352 с.; Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. – М.: Республика, 1992. – 630 с.; Менкью Н.Г. Принципы экономикс. – СПб.: Питер Ком, 1999. – 784 с.

³ Исаев А.А. Очерк теории и политики налогов. – М.: ЮрИнфоР-Пресс, 2004. – 270 с.; Черник Д.Г., Морозов В.П. Оптимизация налогообложения. – М.: Проспект, 2002. – 336 с.; Соколов А.А. Теория налогов. – М.: ЮрИнфоР-Пресс, 2003. – 506 с.; Кирова Е.А. Методология определения налоговой нагрузки на хозяйствующие субъекты // Финансы. – Москва, 1998. - №9. – С. 30-32.; Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2002. – 576 с.

У.Раджаповлар⁴ томонидан солиққа тортишнинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига ва солиқ тушумларига таъсир доиралари умумий ҳолда ўрганилган бўлса, қатор иқтисодчилар солиқ юкини баҳолаш ва унинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсирини махсус тадқиқ қилишга ҳаракат қилишган. Республикамизда амалга оширилаётган солиқ ислохотларининг ҳозирги босқичида солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолияти ва давлат бюджети даромадларига таъсирини корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари, солиқ қарздорликлари ва солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси мезонлари билан узвий боғлиқликда ўрганиш мазкур мавзу долзарблигини белгилаб беради.

БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши СамИСИнинг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади республикамизда солиқ юкининг корхоналар молиявий фаолиятига таъсирини юмшатишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Белгиланган мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- корхоналарда солиқ юки тушунчасининг моҳиятини очиб бериш;
- солиқ юкининг элементлари ва унинг корхоналар молиявий фаолиятига таъсир этувчи омилларини тадқиқ қилиш;
- корхона солиқ юкини баҳолаш услубларини таҳлил қилиш асосида солиқ юкини қиёслаш ва баҳолашни ёритиш;
- солиқ юкининг корхоналар молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш;

⁴ Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайитириш керакми? // Солиқ академияси. – Тошкент, 2006. – 32 б.; Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – Тошкент, 2003. – 233 б.; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Тошкент, 2004. – 243 б.; Тошмурадова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. – Тошкент, 2005. – 265 б.

- корхоналар ўртасида солиқ юкини мутаносиб тақсимлаш орқали давлат бюджети даромадларини ошириш йўналишларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида республикамізда умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи корхоналар фаолияти танланган.

Тадқиқот предмети солиқ юкининг корхоналар иқтисодий фаолиятига таъсири жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотни амалга оширишда мантиқий, иқтисодий, молиявий ва қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, статистик гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- корхоналар солиқ юкининг иқтисодий моҳияти очиқ берилди ва унинг тадбиркорлик субъекти молиявий фаолиятига таъсирини баҳолаш имконини берадиган услуб таклиф қилинди;

- солиқ юкининг корхоналар ўртасида нотекис тақсимланганлиги, шу жумладан саноат корхоналари солиқ юкининг илмий асосланган меъёрдан юқори эканлиги асосланди;

- корхоналарни солиққа тортишни такомиллаштириш, солиқ юкини мутаносиб тақсимлашда фойдаланиш йўллари аниқланди;

- саноат корхоналари солиқ юкини юмшатиш туфайли кутиладиган давлат бюджети йўқотишларини қоплаш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги солиқ юкининг корхоналар молиявий фаолиятига таъсирини баҳолаш ва юмшатиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади ва қуйидагиларда ўз аксини топади:

- солиқ юкини баҳолашда солиқ тўловчиларни ўрганиш зарурлиги асосланган ва солиқ юки тушунчаси ёритилган;

- солиққа тортишнинг корхоналар молиявий фаолиятига таъсирини соф солиқ юки, жамланган солиқ юки ва реал фискал босим кўрсаткичлари асосида баҳолаш услуги таклиф қилинган;

- солиқ юкини юмшатиш мақсадида ягона ижтимоий тўловни регрессив ставкалар асосида ҳисоблаб чиқиш тартибини жорий қилиш лозимлиги таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий натижалари солиқ юкининг корхоналар молиявий фаолиятига таъсирини юмшатиш, солиқ юкини бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда қўлланилиши, шунингдек, солиқ юкини баҳолашни йўлга қўйишда, солиқлар йиғилувчанлик даражасини аниқлашда, олий ўқув юртларида “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўқитишда фойдаланилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари ва хулосалари Самарқанд вилояти Ургут туман ДСИнинг (18/2, 26.04.2017 й.) амалиётига жорий этилган.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ таркибан кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган, умумий ҳажми 63 бет бўлиб, 7 та жадвал ва 3 та диаграммадан иборат.

I-Боб. Солиқ юкининг иқтисодий субъектлар фаолиятига таъсири

1.1. Солиқ юки ва унинг мажбуриятлари

Иқтисодиётни тартиблашга солиқлар орқали таъсир ўтказишда солиқнинг икки даражаси, унинг иқтисодий тараққиёт жараёнига, аҳолининг турмуш даражасига таъсири муҳим аҳамият касб этади. Солиқ юкининг муайян давр учун илмий асосланган, адолатли ва реал вариантларнинг қўлланилиши кўпгина ривожланган давлатларда иқтисодиётнинг самарали ривожланиб боришини таъминламоқда.

«Солиқ оғирлиги (юки, «зулми»)-давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб берадиган энг умумлашган кўрсаткичдир»⁵. Ишлаб чиқариш умумий ҳажми ва даромадларида солиқ ажратмаларининг салмоғини кўрсатувчи, бозор иқтисодиётининг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган ўлчамдир. Қисқа қилиб айтганда, солиқ оғирлиги бу барча тўланадиган солиқларнинг суммасидир.

Солиқ юкига унинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, турлича ёндашувлар мавжуд. Бу категорияга турли хил ёндашувлар мавжуд бўлганлиги билан, унинг умумий мазмун моҳияти ягонадир.

Солиқ юки тушунчасига Қосим Яхёевнинг «Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти» китобида қуйидагича таъриф берилади: «Солиқ юки тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисининг бюджетга тўлашидир. Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ЯИМ даги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди»⁶.

Агар солиқ тўловчи солиқларни тўғри тўлаган бўлса, унга солиқ юки мос келади. Лекин баъзи корхоналарда эгри солиқлар бўлиб, унинг ҳуқуқий тўловчилари корхона ҳисоблансада, солиқ юки исътемомчи, яъни аҳоли

⁵Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари Т.: Адлия, 2002. - 163 б.

⁶ Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Ё.Ғулом, 2000. -168б.

зиммасига тушади, охирги исътемола қилувчилар аҳоли ҳисобланади. Солиқ назариётида - солиқ зулми тушунчаси мавжуд бўлиб, «солиқ юки» тушунчасининг айнан бир кўринишидир. Масалан, доцент Л.Б. Хваннинг «Солиқ ҳуқуқи» номли китобида қуйдагича таъриф берилади:

«Солиқ зулми солиқ тизими иқтисодий кўрсаткичларидан бири бўлиб, солиқнинг жамият ҳаётидаги ролини тавсифловчи умумий кўрсаткичидир, у солиқлар умумий суммасининг ЯИМга нисбати сифатида аниқланади»⁷.

Республикада ҳам солиққа тортиш соҳасидаги асосий масалалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичи учун хос бўлган солиқ юкининг энг оптимал ҳолатини ишлаб чиқариш ва уни амалда таъминлаш бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов «Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинadиган бош тамойил корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир»⁸, деб таъкидлайди.

Иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солишда, хусусан, тармоқлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлашда соҳа ва тармоқларда солиқ юкининг тегишли ҳолатини ўрнатишга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Республикада 1998 йилнинг 1 январидан кучга кирган Солиқ кодекси солиқ сиёсатининг асосий масалалари: солиқ турлари ва ставкалари, умумдавлат ва маҳаллий солиқлар таснифи, солиққа тортиш методологияси асослари ва бошқа умумиқтисодий масалалар аниқ равшан кўрсатиб берилишига қаратилган муҳим қадам бўлди. Натижада республика халқаро экспертизадан ўтган замонавий солиқ сиёсатининг барқарор ҳуқуқий пойдеворига эга бўлди. Солиқ кодекси маҳаллий ва чет эл товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда инвесторлари учун кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизимларини яхлит тизим сифатида бирлаштирди.

⁷ Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Т.: Консаудитинформ. 2001. -148б.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.-359 б.

Маълумки, харажатлар ва солиқларнинг йўналишлари ва миқёси кўп жиҳатидан иқтисодиётнинг, жумладан ҳар бир солиқ тўловчининг бундан кейинги ривожланиши ва молиявий барқарорлигини белгилаб беради. Давлат бюджетининг ўзига хос бир томони мавжуд, бу ҳам бўлса бюджет-солиқ сиёсати нафақат давлат даромад базасини оқилона шакллантириш ва олинган маблағни тўғри таксимлаш, балки жамиятда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш куролидир. Бошқача сўз билан айтганда, мамлакатнинг марказий иқтисодий органлари учун, жумладан, Молия вазирлиги учун уларнинг иқтисодий тадбирлари макроиқтисодий барқарорликни, инфляциянинг паст даражасини сақлашни, иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини ва аҳолининг оптимал бандлигини таъминлаши шарт, деган барча томондан тан олинган қоидаси бор.

Умуман олганда, солиқ тизимидаги ислохотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш вазифасини ҳамда бюджетни маблағ билан таъминлаш вазифаларини уйғунлаштирган. Шу билан бирга иқтисодий ўсишда юқори даражага эришиш вазифаси, ўз навбатида, исътемом талабини оширишни талаб қилади, бу эса барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган пул даромадларининг мос равишда ўсишини талаб қилади. Шунинг учун, молиявий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш ва юридик ҳамда жисмоний шахслар даромадларини жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш учун шароит яратиш солиқ сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

1.2. Солиқ юки даражасини пасайиши ва ЯИМ ўсиши даражаси

Ижтимоий ҳаётда солиқлар қўлланила бошланганидан буён давлат ва солиқчилар ўртасидаги икки томонлама манфаатларни уйғунлаштирувчи солиқ тизимини шакллантириш муаммосини ҳал қилиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов алоҳида тўхталиб, -

“...аввало, солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилгани билан эътиборлидир. Шу сабабли янги Солиқ кодексининг амалий ижросини диққат билан ўрганиш, унинг қандай шароитларда самара бераётгани, қайси ҳолатларда эса уни янада такомиллаштириш ёки тузатиш киритиш зарурлигини аниқлаш жуда муҳим”⁹ лигига эътибор қаратдилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида мамлакатимиз солиқ тизими олдида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш учун шарт-шароит яратиш билан биргаликда давлат бюджетини маблағлар билан таъминлаш ҳамда хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш вазифаси турибди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли танланганлиги, унга миллий солиқ юки ва унинг механизмини босқичма-босқич пасайтириб бориш заруриятини тақозо қилади. Мамлакатимизда солиқ юкини пасайтириш муаммоларини комплекс ўрганишга бағишланган илмий ишларнинг йўқлиги ушбу соҳада чуқур илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Мамлакатимизда оқилона солиқ сиёсатининг изчиллик билан юритилиши миллий иқтисодиётимизда барқарорликни таъминлашга замин яратиш билан бирга, ялпи ички маҳсулот ошишига, аҳолининг реал даромадлари кўпайишига, турмуш фаровонлиги янада яхшиланишига имконият яратмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари ичида бирламчи ва энг асосийси макро ва микроиқтисодий даражада солиқ юкини пасайтириб бориш ҳисобланади. Мазкур муаммо ечимига қаратилган чора-тадбирлар биринчи навбатда, солиқ юкини қандай даражагача пасайтириш мумкин ва ҳозирги даврда унинг қандай ўлчамини оптимал (мақбул) даража сифатида қабул қилиш мумкин деган ўринли

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1998. -361 б.

саволларни келтириб чиқаради. Чунки оқилона чегараларда амал қиладиган солиқ юки бюджет даромадларини ошишига имконият яратиб беради. Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари аксарият солиқ турларини шакллантирувчи ва бюджет даромадларига тўлаб берувчи субъект бўлиб ҳисобланиди.

Бугунги кунда мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик тадбиркорлик субъектларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Чунки иқтисодиётда айнан кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодиётдаги бандлик муаммосини нисбатан қисқа муддатларда арзон ҳал этиш, молиявий ресурсларни чекланган шароитида ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, инновацион технологияларни қўллаш имкониятларининг мавжудлиги билан ифодаланади.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистонда кичик тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Жумладан, 2000-2016 йиллар давомида рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 2 баробар ошди. 2016 йилда Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 15,2 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Россияда – 11,3 тани, Украинада – 7,5 тани, Қозоғистонда – 6,9 тани ташкил этди. 1995 йилда иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида 52 мингта иш ўринлари яратилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич қарийб 604 мингтани ташкил этди. Шунингдек, иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичи бўлган ЯИМдаги улуши 2000 йилда 31,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 57,6 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда иш билан банд аҳолининг қарийб 74,3 фоизи кичик бизнесда фаолият кўрсатмоқда. Мазкур тармоқнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси 2000 йилда 12,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 21,9 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий экспортдаги улушининг ўсиш ҳажми 3,4 фоизни ташкил этиб, 13,6 фоизга тенг бўлди¹⁰.

Бизнингча, юқорида келтирилган иқтисодий ўсишнинг миқдорий кўрсаткичларига эришишда кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан имтиёзли солиққа тортиш тизимларида фаолият юритиш имкониятларининг яратилганлиги ҳам муҳим таъсир этувчи омиллардан бири бўлди. Жумладан, мазкур йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ қонунчилиги такомиллаштирилиб, солиқ юки даражаси босқичма-босқич камайтириб борилди, солиқ тўловчиларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйилди ҳамда улар фаолиятини солиққа тортиш тизимлари соддалаштирилди.

Мустақиллик йилларида ЯИМнинг ўсиш динамикаси ҳамда солиқ юки даражасининг йиллар давомида пасайиш даражаси кузатилди. Жумладан, агарда 1995 йилда солиқ юки даражаси 41,2 фоизни ташкил этган бўлса, ЯИМ ҳажми 99,1 фоизни, солиқ юки даражаси 22,6 фоизга камайганда, ЯИМнинг ўсиш суръати 107,0 фоизни, 2016 йилда эса солиқ юки 21,9 фоизга тенг бўлганда эса ЯИМнинг ўсиш ҳажми 107,9 фоизга тенг бўлган.

Таъкидлаш жоизки, солиқлар иқтисодиётда фискал функциясини бажариши билан бирга, иқтисодиётни тартибга солиб, иқтисодий ўсишни рағбатлантирган ҳолда, кичик бизнес субъектлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Иқтисодиётда оптимал солиқ юки даражасини

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари


амалда ушлаб туриш орқали солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали ишлаб чиқариш жараёнини республикамизда таъминлаш орқали мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга эришади. Солиқ юки хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тескари мутаносибликда таъсир кўрсатиб ошиши уларнинг иқтисодий фаоллигига салбий таъсир этади. Бунда солиқ юкини ташкил этувчи солиқларнинг таркиби ҳам муҳим рол ўйнаб, бевосита солиқлар таъсири нисбатан сезиларли бўлади.

1.3. Солиқ юкининг таркибий тузилиши

Иқтисодиётда солиқ юки даражасининг юқори бўлиши иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиб, солиқ боқимандаларининг ошишига, хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади. Демак, иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат учун энг оптимал стратегия солиқ юкини камайтириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини берувчи солиққа тортиш тамойилларига амал қилиш ҳисобланади.

1-диаграмма

Ўзбекистонда солиқ юкининг таркибий тузилиши¹¹ (ЯИМга нисбатан, %да)



¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг маълумотлари

1-диаграмма маълумотларида Ўзбекистонда солиқ юкининг таркибий тузилиши келтирилган. Охирги 10 йил давомида солиқ юкининг таркибий тузилишида бевосита тўғри солиқлар улуши камайиши кузатилган. Бунинг асосий сабаби давлат айнан тўғри солиқлар ставкаларини пасайтириш тарзидаги имтиёзлар бериш орқали иқтисодиётда ишлаб чиқариш, саноатни ЯИМдаги улушини кўпайтиришга эришган. Жумладан, 2000 йилда солиқ юки таркибида бевосита солиқлар 7,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 5,8 фоизни ташкил этган. Бунинг натижасида эса иқтисодий ўсишни таъминловчи ҳолатлардан бири бўлган ЯИМ таркибидаги саноат улушининг ўсишига эришилган. 2000 йилда ЯИМда саноат улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 23,9 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМнинг таркибий тузилиши ва динамикаси¹²

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2015 йил	2016 йил
Саноат	14,2	21,1	23,6	23,9
Қишлоқ хўжалиги	30,1	26,3	18,2	17,5
Қурилиш	6,0	4,8	7,4	1,8
Хизматлар соҳаси тармоқлари	37,2	37,2	44,1	49,0
Соф солиқлар	12,5	10,6	6,8	7,8

¹² Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг 2000-2016 йиллардаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари. Статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 140 б.

Шунингдек, 2000 илда ЯИМда солиқлар салмоғи 12,5%ни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 7,8%ни ташкил этди. Бунинг асосий сабабларидан бири давлат мазкур йилларда солиқ ставкаларини кескин пасайтириш сиёсатини амалга оширди. Бу орқали эса ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга, иқтисодиётда кичик бизнес субъектлари сонини кўпайтиришга эришилди. Солиқ турлари ва ҳисоблаш механизмлари мазкур йиллар давомида такомиллаштирилди, хусусан, 1998 йилда солиқ турларининг сони Ўзбекистонда 24 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткични 15 тагача мақбуллаштиришга эришилди.

II-Боб. Солиқ юкини даражасини белгиловчи омиллар ва уни аҳоли яшаш даражасига таъсири таҳлили

2.1. Солиқ юки даражасини белгиловчи омиллар

Солиқ юки даражасини қуйидаги омиллар белгилаб беради.

- солиқлар, йиғимлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар сони;
- уларнинг ставкалари даражаси;
- ҳар бир солиқ базасининг ўзига хос шаклланиш хусусияти даражаси.

Солиқ юкининг мақбул даражасини белгилашда давлат қуйидаги ҳолатлар таъсирини ҳам эътиборга олиши зарур:

- ◆ мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси;
- ◆ солиқ тўловчиларнинг тўлов қобилияти, умумий молиявий имкониятлари;
- ◆ бозор муносабатларининг, хусусан, мулкчилик муносабатларининг ҳолати;
- ◆ инфляциянинг ўсиш даражаси;
- ◆ маълум давр хусусиятларига кўра давлатнинг ўз олдига қўйган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифалари нисбати.

Агар иқтисодий ривожланишнинг маълум даври учун солиқларнинг фискаллиги аҳамиятлироқ деб топилса, солиқ юки анча юқори қилиб белгиланади. Солиқлардан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш аҳамиятлироқ деб топилса, солиқ юкини пасайтиришга тўғри келади. Иқтисодиётдаги солиқ юкини таҳлил қилганимизда ЯИМга нисбатан жами солиқ ва тўловчиларнинг нисбати миқдорига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу кўрсаткич республикаимизда барқарор ҳолатга эга эмас. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кузатишимиз мумкин.

Иқтисодиётдаги солиқ юкининг тузилиши

(ЯИМга нисбатан % ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2015	2016
Умумлашган бюджет тушумлари	30,8	31,3
Шу жумладан		
Давлат бюджети солиқ тушумлари	24,1	23,3
Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	6,7	8,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Умумлашган бюджетнинг солиқ даромадларининг ЯИМга нисбатини камайиши фискал қайта бошқаришнинг индикатори бўла олмайди. Иқтисодиётдаги фискал юкни объектив баҳолаш ҳисобига ўтказилган, лекин пул шаклида олинмаган бюджет даромадларини (боқимандалар, ўзаро ҳисоб-китоблар, ҳар хил солиқ манбаларидан узайтирилган ва ҳисобдан чиқарилган тўловлар) ҳисобга олишни талаб қилади.

Қуйидаги чизмадан кўриниб турибдики, давлат бюджетининг солиқ даромадларини ЯИМга нисбатан 2015 йилда 24,1% дан 2016 йилда 24,1% га камайишига қарамасдан, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг солиқ даромадлари охириги 5 йил ичида ЯИМга нисбатан 7% атрофида ўзгарган.

Ушбу ижобий оқибатларни уларнинг тармоқлар кўрсаткичларидаги ҳолатини аниқлаш учун бюджетнинг даромад қисмини чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дастлаб юридик шахсларнинг даромад солиғи ҚҚС билан бир вақтда киритилди ва ставкалари 12 фоиздан 30 фоиз оралиғида белгиланди. Бунда солиқ ставкаси иқтисодий тармоқлар бўйича дифференция қилиниб, солиқ фойдадан эмас, балки ялпи даромаддан олинган.

Солиқ солинадиган базага ҚҚС, республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотларга тўланадиган хом ашё ресурслари

солиғи, акцизлар, суғурта бадаллари ва бошқа тўловлар киритилмаган. 1995 йилнинг бошидан даромад (фойда) солиғи 38 фоиз асосий ставкада бир қатор камайтирилган коэффициентлар қўлланиладиган ҳолда амалга киритилди. Шу билан бирга банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар ва бошқа тоифадаги солиқ тўловчилар учун даромад солиғи сақлаб қолинди.

Фойда солиғи солиқ юкини кўрсатадиган асосий кўрсаткич, унинг ЯИМга нисбатидир. Фойда солиғининг ЯИМга нисбати 4,6 %дан 1998 йилда 2002 йилдаги 2,6%га тушди. Фойда солиғи нисбатининг тушишига шу йиллардаги ставканинг 35%дан 24 %га тушиши сезиларли таъсир қилган.

Республика корхоналари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини - 1998-2002 йиллардаги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ялпи фойдани ЯИМга нисбатининг 1999 йилда тушиши 2002 йилда 9,3%га ўсиш суръатига ўзгарди. Чегара ставкасининг 35%дан 2 %га тушиши давлатнинг бюджетига тушадиган аҳоли даромадларини чегиришни босқичма-босқич камайтириш сиёсатини олиб боришдир. Назарий жиҳатидан солиқларни тушиш коэффициенти солиқларни чегара ставкасидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Бизнинг ҳолатимизда эса, солиқ тушишининг реал коэффициенти ҳажми 1998 йил 52,3%га тенг бўлиб, аста-секин 2002 йилда 28,5%гача камайган.

3-жадвал

Фойда солиғи тушумлари динамикаси

Кўрсаткичлар	2000	2015	2016
Солиқ тўлангунгача бўлган фойда (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)	8,8	9,1	9,3
Корхоналарнинг фойда солиғида тушган тушумлар (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)	4,6	2,7	2,6
Солиқларнинг чегара ставкаси, %	35	26	24
Солиқларнинг тушиш коэффициенти, %	52,3	29,7	28,5
Эластиклик коэффициенти	-	0,51	0,48

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида.

Солиқларни тушиш коэффиценти ҳажмининг солиқни чегара ставкасидан ошганлиги, солиққа тортиладиган базага солиқ тўлашгача бўлган молиявий натижадан ташқари ишлаб чиқариш характериға эға бўлмаған харажатлар харажатлар ҳам киритилганлиги билан тушунтирилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, солиқ базасига тесқари тартибда кирадиган бу харажатлар йил сайин камаймоқда. ЯИМға нисбатан 2000 йилда 4,3 %дан 2016 йилда 1,3%гача, бу шубҳасиз солиқ тизимини софлик ва соддалик томонидан яхшиланишидир.

Ўзбекистонда тўғри солиққа тортиш муаммоларини қуйидаги йўл билан таснифлаш мумкин. Қонунчилик характеридаги муаммолар, методологик характердаги муаммолар, маъмурий характердаги муаммолар, улар бир-бирини тўлдириб ва бир-бирини тақозо қилиб туради.

Қонунчилик характериға эға бўлган муаммоларға шундай муаммолар кирадики, ўтиш давридаги мамлакатларға хос, яъни солиқ қонунчилигининг доимий ва соф эмаслигидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, бир хил солиқлар базасини аниқлашда келишмовчиликлар ва тушунмовчиликлар мавжуд. Масалан, юридик шахсларни солиқ базасида, солиқ тўлашгача бўлган молиявий натижадан ташқари бир қанча харажатлар, яъни ишлаб чиқариш характериға эға бўлмаған давр харажатлари. Шу каби харажатлар корхонаға шаклланиб ўтади.

2.2. Амалдаги солиққа тортиш тизими доирасида солиқ тўловчиларни гуруҳлаш орқали солиқ юқини аниқлаш

Амалдаги солиққа тортиш тизими доирасида даромад солиғи тўловчиларини 4 гуруҳға бўлинади:

- яғона солиқ тўлашға ўтган кичик корхоналар;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари;
- банклар, суғурта компаниялари, умумовқатланиш ва савдо корхоналари;
- бошқа хўжалик субъектлари.

Солиқ тўловчиларнинг биринчи гуруҳи бошқа солиқлар ўрнига ягона солиқ, иккинчи гуруҳи- ягона ер солиғи, учинчи гуруҳ -ялпи даромад солиғи ва фойда солиғини тўртинчи гуруҳ тўлайди. Ҳамма тўртта солиқ тури тўғри солиққа тортиш функциясини бажаради. Шу вақтнинг ўзида бу солиқлар ҳар хил солиққа тортиладиган базага эга. Масалан, фойда солиғи тўловчиларга солиққа тортиладиган даромадни аниқлаш, ялпи даромадни олиш йўлларига кўра харажатни ва шу билан бир қаторда иш ҳақи харажатларини айириш ҳуқуқи берилган. Даромад солиғи тўловчиларига иш ҳақи харажатлари ялпи даромаддан айрилмайди.

4-жадвал

Қўшимча қиймат солиғидан тушумлари динамикаси

ЯИМга нисбатан % ҳисобида

Кўрсаткичлар	2000	2015	2016
ҚҚС	9,8	6,6	6,4
ҚҚС базаси	54,4	53,5	53,7
Солиқнинг чегара ставкаси	20	20	20
Солиқларнинг реал ставкаси	18	12,3	12,4
Эластиклик коэффициенти	1,81	0,84	0,78

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Солиққа тортиладиган базани аниқлашда турли хил ёндашувлар, санаб ўтилган солиқ тўловлари категориялари учун солиқ йиғиш фоизини аниқлаш номувофиқдир. Бу шароитда амалдаги солиққа тортиш тизимини

ягоналаштириш зарур, яъни ҳамма солиқ тўловчиар учун ягона фойда солиғи базасини, ялпи даромаддан ягона харажатни айириш зарур. Бу нуқтаи назардан харажатлар таркибини бундан буён такомиллаштириш зарур. Фойда хажми ҳеч қандай қўшимчаларсиз солиққа тортиш базаси бўлиши керак, бу усул ривожланган мамлакатларда қўлланилади.

Асосий солиқлардан бири ҚҚС 1992 йилда 30%ставка бўйича киритилиши натижасида сотиш ва оборот солиғи бекор қилинди. Кейинчалик ҚҚС ставкаси бир неча марта кўриб чиқилди. ҚҚСни тўлашда ягона 20%ли ставкага ўтиш, солиққа тортишни ягоналаштириш ва соддалаштиришга ўтиш, чегирма харажатларни ва зиддиятларни камайтириш учун қилинган қадам бўлса ҳам, ҚҚС дан бюджетга тушадиган тушумни кўпайишига олиб келмади.

ҚҚСни тушумлар динамикаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тушумнинг ЯИМга нисбати секин-аста 2000 йилда 9,8%дан 2016 йилда 6,45га камайди. Чегара ставкаси (2 % миқдорида) ва солиқ базаси (ЯИМга нисбатан 50%дан сал кўпроқ) ўзгармаган ҳолда шу йиллардаги реал солиқ ставкасини 18 %дан 12,4%га тушиши табиий ҳол ҳисобланади. Эластиклик коэффициентларининг паст кўрсаткичлари ҚҚСга тортишда жиддий муаммолар борлигидан далолат беради, чунки бу солиқни вақтида тўланишини таъминлаб бера олмайди.

ҚҚСни бюджетга тўлаш механизми 1999 йил январ ойидан бошлаб ўзгариши юз берди ва бу катта аҳамият касб этди. 1999 йилгача моддий ресурслар бўйича ҚҚС суммаси, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобдан чиқариш меъёрига қўшиб ҳисобга олинар эди. 1999 йилдан ҚҚСни умумий, счет-фактура бўйича тушган ҳақиқий товарлар суммаси асосида ҳисоблана бошлади ва улар корхоналарнинг қўшимча молиявий ресурсларига бўлган эҳтиёжини ошишига олиб келди. Камчиликлар сарасига икки маротаба солиққа тортишни айрим ҳолларда кўп маротаба солиққа тортишни киритиш мумкин. Бошқа асосий сабабларга кўпгина адолатли ва тенг ҳуқуқли солиққа

тортишга салбий таъсир кўрсатадиган самарали ва самарасиз имтиёзларни киритиш мумкин.

Аҳамияти кам бўлмаган омилга аванс тўловлар тажрибасини киритиш мумкин, улар ҳеч қайси ривожланган мамлакатларда қўлланилмайди. ҚҚСнинг тушиш ҳажмига ҳар хил таъсир кўрсатадиган бошқа сабаблар ҳам бор. Бу сабаблар биргаликда ҚҚСга солиққа тортишни такомиллаштириш кераклигини кўрсатади.

Билвосита солиқларнинг юки охири исътемоличига бориб тушади, деб ҳисоблаш нотўғридир. Биринчидан, билвосита солиқларнинг ўсиши товарнинг нархини оширади, бу эса ўз навбатида сотиб олувчи корхоналарнинг талабининг қисқаришига олиб келади. Натижада таклиф мос равишда қисқаради, бу эса реал солиқ базасини камайишига олиб келади.

Иккинчидан, давлат томонидан ишлаб чиқариш соҳасидаги молиявий қийинчиликлар даврида билвосита солиқларнинг ҳаддан ортиқ солиқ юки тўланмаган ҳисоб тўловлари ва бюджетга тушмаган тушумларни кўпайишига олиб келади.

Шу сабабли билвосита солиқ юкини товарларни аҳолига реализация қилишда исътемоли солиғини (сотишдан солиқ) киритиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан исътемоли солиғини киритиш одилонга солиққа тортиш тамойилларига жавоб беради, ўз навбатида, исътемоли катта суръати орқали катта солиқ тушумига эришилади. Иккинчидан, исътемоли солиғи бошқа бевосита ва билвосита солиқларнинг йўқотишларини қоплаши лозим.

2.3. Солиқ юкининг аҳоли яшаш даражасига таъсири таҳлили

Солиқ юки республикаимиз аҳолисининг яшаш тарзи ва турмуш даражасига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бунини биз 5-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Қуйидаги жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, аҳоли даромадларининг ЯИМга нисбати ўсмоқда (2000

йилда 64,9%дан 2014 йилда 74,2%га), бу эса ўз навбатида аҳоли даромадларини босқичма-босқич ошириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигини билдиради.

5-жадвал

Аҳоли даромадлари ва солиқ тўловлари динамикаси*

Кўрсаткичлар	2000	2015	2016
Аҳолининг пул маблағлари (ЯИМга нисбатан % ҳисобида) шу жумладан	64,9	74,2	76,1
Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди фонди (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)	22,8	19,5	19,2
Жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан тушган тушумлари (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)	3,5	3,3	3,3
Солиқнинг чегара ставкаси (%)	45	33	32
Солиқни йиғиш даражаси (даромад солиғини аҳоли пул даромадларига нисбати) (%)	5,4	4,5	4,6
Солиқни йиғиш даражаси (Даромад солиғини ИҒФга нисбати) (%)	15,4	17,1	17,2
Эластиклик коэффиценти (аҳолининг пул даромадларидан)	0,7	1,16	1,21
Эластиклик коэффиценти (иш ҳақи фондига нисбати)	-	1,46	1,57

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида.

Шуни таъкидлаш лозимки, иш ҳақи фонди солиқ базасидир (ўрганилаётган даврда эластиклик коэффиценти 1 дан катта бўлган бу солиқни иш ҳақи фондига эластиклигини кўрсатади), унинг ҳажмини ЯИМга нисбати 2000 йилда 22,8%дан 2016 йилда 19,25га камайган. Даромад солиғи чегараси ставкасининг тушишига қарамасдан, 2000 йилда 45 %дан 32%га 2016 йилда, тушум ҳажми шу йилларда 15,45дан 17,2 %га ошган. Бу шундан далолат берадики, биринчидан, фойда солиғига тортишдаги бошқарувни

яхшиланганлиги, иккинчидан, солиқнинг асосий юки ўрта ҳол аҳолига тушаётганлигини билдиради.

Республикамизда яратилаётган ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар миқдори нисбати унчалик катта кўрсаткични ташкил этмайди. Лекин аҳоли даромадлилик даражаси паст бўлган республикамизда бу кўрсаткичлар аҳолининг қуйи қатлами учун оғирлик қилади. Айниқса, истеъмол маҳсулотлари учун тўланаётган солиқлар бевосита аҳолининг яшаш даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Яъни улар даромадларнинг катта қисмининг солиқ ва тўловларга ажратилиши бошқа харажатларнинг қисқартирилиши ҳисобидан амалга оширилмоқда.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли солиқ тўловларининг ЯИМга нисбати

Кўрсаткичлар	2002	2015	2016
Ялпи ички маҳсулот	100,0	100,0	100,0
Аҳолининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларини ЯИМга нисбатан % ҳисобида			
ташқари фондларга тўловларини ЯИМга	4,8	5,1	5,3
Шу жумладан бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар	4,3	4,5	4,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, аҳолининг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлари миқдори йилдан-йилга ортиб борган. Бунга асосий сабаб мол-мулк солиғи ставкасининг ошиб борганлиги ва аҳоли солиқларнинг миқдорининг кўпайганлигидир. Кейинги йилларда

республикамиз аҳолисининг реал даромадлари ошиб бораётганлиги ЯИМга нисбатан аҳоли солиқлари миқдорини ҳам ортишига сабаб бўлган.

Юқорида санаб ўтилган солиқлардан ташқари, муҳим аҳамият касб этувчи солиқлар бўйича солиқ юкини камайтирилишини мунтазам равишда амалга оширилиши солиқларнинг рағбатлантирувчи механизмини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

III-Боб. Солиқ юкини корхоналар молиявий фаолиятига таъсирини оптималлаштириш йўллари

3.1. Солиқ юкини баҳолашни такомиллаштириш орқали корхона молиявий фаолиятига таъсирини юмшатиш йўллари

Солиқ юкини баҳолаш муаммоларидан бири – хўжалик юритувчи субъектнинг тўлаган барча солиқ ва йиғимларини айрим иқтисодчилар қўшилган қийматга нисбатан ҳисобласа, айримлар маҳсулот сотишдан тушган тушумга нисбатан ҳисоблайди.

Хўжалик юритувчи субъектларда қўлланиладиган солиқ юки олинадиган даромадларга қараб белгиланади. Унга кўра, солиқ юки маҳсулот сотиш ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бу кўрсаткичга асосан фойда солиғи белгиланади. Шунингдек, сотишдан олинган фойда ҳамиша ҳам солиққа тортиш манбаси бўлиб ҳисобланмайди. Шу сабабли хўжалик юритувчи субъектнинг айрим солиқларининг бу кўрсаткичга таъсири бўлмайди.

Кўпчилик адабиётларда фойда ёки соф фойда кўрсаткичи хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини аниқ ифодалаб бера олмайди, деган фикр олға сурилади. Биз фойда ёки соф фойда кўрсаткичлари хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ юкини аниқ ифодалаб беради дейишга йироқмиз. Бунда фақатгина солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ва соф фойда кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш мумкин.

ҚҚС ва акцизлар корхона даромадини оширувчи солиқлар сифатида баҳоланади. Шу маънода ҳамиша корхонанинг фойда кўрсаткичига асосий эътибор қаратилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар таркибида якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳам мавжуд. Бу тадбиркорлар юридик шахс мақомини олмасдан фаолият юритадилар. Бундай

субъектларда баланс ҳисоботи юритилмайди. Яъни, махсус солиқ режими асосида қатъий солиқ тўлайдилар. Уларнинг иқтисодий фаолияти давомида амортизация ажратмаси кўрсаткичини ҳисоблаш имконияти йўқ. Шу сабабли бу субъектларда солиқ юкини ҳисоблашда қўшилган қиймат таркибига амортизацияни қўшмасдан ҳисоблашни таклиф этамиз. У ҳолда қўшилган қиймат қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Ққ = Мх + Иа + Эс + Ст + Ф$$

Бунда: Мх – меҳнат ҳақи харажатлари; Иа – ижтимоий ажратмалар; Эс – эгри солиқлар; Ст – бошқа солиқлар; Ф – фойда.

Бу усул индивидуал тадбиркорларнинг солиқ юкини ҳисоблаб бера олади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кўп ҳолларда тўланган солиқлар суммаси билан корхонанинг фойда кўрсаткичига асосланиб, солиқ юки ҳисобланади. Бундай ёндошув нотўғри, чунки фойда ҳар доим ҳам солиқлар тўлови манбаи ҳисобланмайди.

Кўриб чиқилган усуллар хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини ва улар фаолиятига солиқларнинг таъсирини ифодалаб бера олади. Демак, корхонанинг барча солиқлари ҳисобга олиниши керак. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи корхонанинг иқтисодий фаолиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Хўжалик юритувчи субъект жисмоний шахснинг даромадига нисбатан давлатнинг солиқ агенти сифатида муносабатда бўлади ва солиқни бюджетга ўтказиш билан чекланади. Бу солиқ ишчининг солиқ юкини ҳисоблашда инобатга олиниши шарт.

Айни пайтда, солиқ назарияси бевосита солиқларни маҳсулотнинг характеридан қатъий назар харидор ва истеъмолчи ўртасида бўлишни тавсия қилади. Шу сабабли хўжалик субъектлари учун универсал солиқ юкини белгилаш мумкин эмас.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ юкини ошириш (солиқлар юкини ошириш ва солиқ ставкаларини кўтариш, солиқ имтиёзларини олиб ташлаш ва бошқалар) натижасида дастлаб солиқ тушумларини оширади ва максимум даражага етгандан сўнг, бу кўрсаткичлар туша бошлайди. Шу сабабли бюджетга тушумлар камайиб кетади ва солиқ тўловчиларнинг муайян қисми таназзулга юз тутади ёки ишлаб чиқариш камайиб кетади, солиқ тўловчиларнинг қолган қисми эса солиқ тўлашдан ноқонуний равишда ўзини олиб қочади. Натижада яширин иқтисодиёт юзага келади.

Ҳозирги кунда солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритишда кўпгина давлатлар имтиёзлар ва чегирмаларни олиб ташлаш йўлидан бормоқда, янги тўловларни жорий қилишга интиломоқда. Бироқ бу ҳол даромаднинг ва солиққа тортиш капиталининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади.

Фикримизча, самарали солиқ тизими даромадларнинг кўпи билан 30 фоизини олиш билан давлат эҳтиёжини қондириши керак. Бу ўринда гап аввало, давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги мажбуриятлар ҳақида кетмоқда. Солиқ юки даражаси давлатнинг ижтимоий харажатларига боғлиқ ҳолда юзага келади. Зеро, солиқ юки аниқ солиқ тўловчининг фаолиятига зарар келтирмаслиги лозим. Шунинг учун давлат солиқ юкини белгилашда ўртача кўрсаткичлардан фойдаланиши зарур.

Албатта, ҳар бир мамлакат ўзининг миллий хусусият ва ишлаб чиқаришидан келиб чиқиб, солиқ юкини белгилайди. Ҳар бир мамлакатда турли хусусиятларга эга ўн минглаб фаолият юритаётган корхоналар бор. Уларнинг ҳар бири солиқ тўлашда турлича имкониятларга эга. Шу сабабли давлатлар миқёсида солиқ юкини қиёсий таҳлил қилиш ва макродаражада солиқ юкини ҳисоблашда солиқлар ва тўловларнинг ЯИМга нисбатини олиш орқали ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Кузатувларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, хўжалик юритувчи субъектларда солиқ кўрсаткичини ҳисоблашда ва баҳолашда ягона услубиёт йўқ. Уни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш учун бир неча усулларга асосланиши лозим.

3.2. Солиқ юкини юмшатиш ва уни оптимал даражасини аниқлаш йўллари

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга айнан давлатнинг солиқ тизимини такомиллаштириш орқали эришиш масаласи муҳим ҳисобланади. Бизнингча, бу борада Ўзбекистонда қуйидаги чоратadbирларни келгусида амалга ошириш ижобий натижа беради:

1. Солиқ юки даражасини асосли равишда камайтириб бориш, бевосита ва билвосита солиққа тортиш нисбатининг оптимал даражасини аниқлаш лозим. Чунки, ЯИМни солиқлар орқали қайта тақсимлаш ва бюджетга жамғариш даражаси (давлат харажатлари салмоғи)нинг камайтирилиши иқтисодиётда ишсизлик даражасини камайтиришга хизмат қилиб, солиқ юкининг камайишига мутаносиб равишда давлат харажатларининг қисқартирилиши янги иш ўринларини яратиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва охир-оқибат иқтисодий ўсишни таъминлашга олиб келади.

2. Иқтисодиётда солиққа тортиш механизмнинг ишлаш самарадорлигини баҳолашда ЯИМдаги солиқлар улуши билан Давлат бюджетида ижтимоий харажатлар улуши кўрсаткичини ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Иқтисодиётда жамғаришни чекловчи асосий тўсиқлардан бири юқори солиқ ставкалари ҳисобланади. Чунки тадбиркорлар даромадининг сезирларли қисми солиқлар орқали давлат томонидан ундирилиши тадбиркорлик ташаббусига тўсқинлик қилиб, ишлаб чиқариш жараёнига

инвестицияларни жалб этиш жараёнини секинлаштиради. Демак, давлат хусусий секторга инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш ҳамда жамғармаларни кенгайтиришда солиқ дастагидан унумли фойдаланиши келгусида иқтисодий ўсишни таъминлаш омили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши иқтисодиётда умумий таклифга ижобий таъсир этиб, аҳоли ва тадбиркорлар даромадининг кўпайишига, натижада эса жамғармаларнинг ошишига ҳамда капитал тўпланишига эришилади. Аксинча, солиқ ставкаларини белгиланган даражадан ошириш иқтисодиётда меҳнат ва иқтисодий фаолликнинг пасайишига, жамғармаларнинг иқтисодиётдан четланишига, хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Солиқ тизимининг турли солиққа тортиш тартибларига асосланганлиги, тадбиркорлик субъектлари орасида солиқ юки жуда нотекис тақсимланишига ва бунда асосий юк умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи ишлаб чиқариш корхоналари зиммасига тушишига сабаб бўлмоқда; ҚҚС, сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар, мулк ва ресурс солиқлари юкининг асосан умумбелгиланган тартибда солиқ тўлайдиган ишлаб чиқариш корхоналари зиммасига юклатилганлиги уларнинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, бу эса кўплаб корхоналарнинг ўз фаолиятини зарар билан яқунлашларига сабаб бўлмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноат корхоналари солиқ юки таркибида фойдадан солиқларнинг улуши жуда оз бўлгани учун фойда солиғи ставкасининг пасайтирилишидан корхоналар солиқ юкида сезиларли ўзгариш бўлмаслигидан далолат беради.

Республикамиздаги корхоналар фаолияти таҳлиллари асосида солиқ юки юқори ва бу иқтисодиётимиз ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда деб хулоса чиқаришимиз мумкин. Демак бизнинг шароитимизда солиқ юкини оптималлаштириш солиқ юкини пасайтиришни билдиради. Республикамизда

солиқ юкини оптималлаштириш, яъни расайтириш мумкинми? Агар мумкин бўлса унинг йуллари қандай? Аввало давлатнинг самарасиз харажатларини қисқатириш лозим бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, купгина давлатларда, айниқса ривожланаётган давлатларда, шу жумладан бизнинг республикамызда ҳам асосий ҳолларда давлат харажатлари миқдори солиқ юкини белгилайди. Аслида бундай амалиётнинг қўлланилиши нотўғридир. Оптимал даражада ўрнатилган солиқ юкининг умумий даражаси асосида шаклланган бюджет даромадларига қараб давлат харажатлари режалаштирилиши ва амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Акс ҳолда бу иқтисод ривожланишига албатта салбий таъсир кўрсатади.

Давлат харажатларини қисқартириш солиқ юкини пасайтириш муаммосини тўлиқ ёки бутунлай ҳал этмайди, фақат солиқ юкини пасайтириш учун дастлабки шарт-шароитни яратади (даромад олиш имкониятини) ҳолос. Навбатдаги асосий масала эркин тадбиркорлик фаолиятини (айниқса ишлаб чиқариш фаолиятини) олиб бориш ва даромадга эга бўлиш учун қулай шарт шароит яратиш ва шу орқали бюджетга қўшимча солиқ тушумларининг келишига эришишдир. Бунда солиқ юкини камайтириш учун яна бир асос яратилади. Бу соҳада республикамызда анчагина объектив ва субъектив муаммолар мавжуд.

Солиқ юкини пасайтиришга эришининг муҳим йўналиши бу солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратишдир. Бу соҳада бир қанча ютуқлар билан биргаликда муаммолар ҳам мавжуд.

Баъзи адабиётларда турли соҳа ва тармоқларда солиқ юкини тенглаштириш мақсадида ягона солиқ ставкасини ўрнатиш зарурлиги тўғрисида гап боради. Солиқ механизми шаклланишининг жаҳон тажрибаси тасдиқлашича, мулк шакли ва тармоқ хусусиятидан қатъий назар ягона солиқ ставкасини жорий этиш, солиқ механизми шаклланишининг яна ҳам прогрессив тамойилларидан биридир. Аммо ягона солиқ ставкасини

белгилашда иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олмаслик салбий натижаларга олиб келади.

Ҳозирги пайтда республикамизда турли соҳа ва тармоқларда турлича солиқ ставкалари ўрнатилган. Нафақат ставка, балки солиқ турлари, солиққа тортиш тартиби, механизми жиҳатидан кам бир-биридан фарқ килади. Шу жиҳатдан соҳа ва тармоқларни қуйидагиларга ажратиб олиш зарур:

- қишлоқ хўжалиги;
- ишлаб чиқариш, транспорт, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш;
- савдо, умумий овқатланиш, воситачилик
- банк ва сугурта ташкилотлари;
- казино, шоулар ва бошқалар;
- кичик бизнес корхоналар.

Бундан ташқари, давлат инвестиция дастурига киритилган корхоналар Кам бошқача тартибда солиққа тортилади. Бу ҳолат бозорга ўтишининг ҳозирги боскичида иқтисодиётимиз хусусиятларидан келиб чиқиб, солиқ механизми орқали иқтисодиётни бошқаришнинг ўзига хос усулларидан ҳисобланади. Бу усул солиққа тортишни мураккаблаштиришига қарамай маълум маънода ўзини оқлайди. Чунки уларнинг ягона тартибда ва ягона ставкада солиққа тортилиши (катто бир-бирига яқин бўлиши) ижтимоий тафовутларнинг, иқтисодий ривожланишдаги диспропорцияларнинг юзага келишига, уларда солиқ юки фарқланишларининг кучайишига, вертикал адолатнинг бузилишига олиб келади.

Солиқ юкининг турли соҳаларда фарқланиши тўғрисида айтилганда, банк тизимини солиққа тортиш соҳасида кам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Банк тизимининг бир неча йиллар давомида солиқлардан озод этилиши, ҳамда уларга давлат кредитининг тақдим этилиши улар моддий-техника базасини мустаҳкамлади, қурилишлар олиб борилди. Молиявий жиҳатдан анча барқарорликка эришилди. Лекин унинг хизмат кўрсатиш соҳаси эканлигини ва моддий ишлаб чиқариш ривожланмаса

молиявий мустаккам мижозлар бўлмаса, банк тизимининг қанча имтиёз берилишига ва моддий базаси мустаккамланишига карамай ривожланиб кета олмаслигини эътиборга олиш зарур эди. Ҳозирги пайтда кўпчилик вилоят ва шакарларда банклар асосий солиқ тўловчи ташкилот бўлиб қолмоқда. Бу бошқа томондан реал имтиёз беришнинг амалдаги самарасини ҳам исботлайди. Охирги вақтда банкларнинг молиявий аҳволининг нисбатан оғирлашиб бориши юқоридаги фикрларимизни исботлайди.

Шунинг учун ҳам давлат кредитлари аввало ишлаб чиқариш соҳасига сарфланиши ва умуман ишлаб чиқариш соҳасини паст даражада солиққа тортишни ташкил қилиш лозим эди. Ҳозирги пайтда бюджет даромадларига минимум зарар етказган колда турли соҳа ва тармоқларда турлича солиқ босимини таъминлаган колда ишлаб чиқариш соҳасига (паст ставка ўрнатиш) катта эътибор бериш зарур. Бунда нафақат ставкани пасайтириш балки солиқлар сонини, солиқ базасини шакллантириш хусусиятини ҳам эътиборга олган ҳолда қараш зарур.

Корхоналарга солиқ юки қанчалик юқори булмасин, корхоналар ўзининг реал иқтисодий имкониятларидан чиқиб кета олмайди ва қўшимча солиқ ундириб бўлмайди.

Шуни алоқдда таъкидлаш лозимки, солиқ юкини сезиларли даражада пасайтириш, солиқ тўловчининг талаби ёки ҳукуматнинг хохиши билан эмас, балки мустаккам иқтисодий асос бўлгандагина мумкин бўлади. Акс ҳолда янги солиқлардан кочиш тўғридан тўғри тескари натижаларга олиб келиши мумкин.

Агар харажатларни талаб килинадиган даражада солиқ муаммосини ҳақиқатда қал қилишга эришиш мумкин барқарорлаштиришга эришилса ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсиш даражаси сақланиб қолинса, солиқларни қай даражада пасайтириш имкониятини тасаввур этиш ва ҳисоблаш мумкин бўлади. Фақат шу йўл билан барчаси республикамизда корхоналарни солиққа тортишда соддалаштириш томон борилмоқда. Бу

маълум даражада корхоналар зиммасидаги солиқ юкини пасайтиришга, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш билан (узглик харажатларнинг камайишига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш соҳасига ялпи тушумдан 13 % ставкада ягона солиқ тулайдилар. Корхона 13% солиқ тўлаш учун даромадлилиги ҳеч бўлмаганда 20% бўлиши лозим. Шунда 4,8% фойдага эга бўлади (бюджетдан ташқари фондларга тўловлардан ташқари). Лекин ҳозирги пайтида ишлаб чиқариш корхоналари учун, бундай даромадлиликни таъминлаш жуда қийин, уларнинг 15,2% даромадлиликка эришилса, барча даромад солиқ ва ажратма сифатида бюджетга тўланади. Аммо корхона даромадга эга бўлмаса, у зарарига бўлсада тўлаши зарур бу қолда унинг келажаги йуқ албатта. Савдо соҳасидаги корхоналарга ялпм даромад солиғи ставкаси 20% қилиб белгиланган, аммо солиқ базаси бунда бутун товароборот эмас ялпи даромади ҳисобланади. Савдо корхонасининг товарларни сотиб олиш ва сотиш фарқи сифатидаги ялпи даромади ва ишлаб чиқариш корхонанинг ялпи тушуми таркибини тенглаштириб бўлмайди, албатта. Бу қолда солиқ юки, албатта ишлаб чиқариш корхонасига кўпроқ бўлиб чиқади. Таҳлиллардан кўрмоқдамизки, ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналарида солиқ юки юқоридир. Шу туфайли солиқ сиёсати орқали иқтисодиётни бошқаришнинг муқим йўналишни бу - ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналарида солиқ юкини амалда сезиларли даражада камайитиришдир. Бунинг учун нафақат солиқ ставкасини пасайтириш, бу соҳаларда паралел равишда биз олдинги бўлимда кўриб ўтган тартибда солиқ имтиёзларини жорий этиш, солиқлар сонини мувофиқлаштириш ва албатта солиқ базаси элементларини адолатли солиққа тортиш нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, барча устувор вазифалар солиқ сиёсатимизни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Солиқ

тизимини барқарорлигини таъминлаш эса солиқ қонунчилигини тартибга солинишини талаб этишини Президентимиз ҳам таъкидлаб ўтганлар.

3.3. Солиқ юкини оптималлаштириш орқали корхоналар молиявий фаолиятини бажарилишини таъминлаш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 3-устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Бу иқтисодий тармоқларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг инвестицион салоҳиятларини ошириш, албатта, солиқ сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқларнинг корхоналар фаолиятига таъсир этишнинг қулай иқтисодий воситаси бу солиқ юки ҳисобланади

Бугунги кунда миллий иқтисодий ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шунинг негизда хусусий секторнинг улушини оширишдир. Бу масалани ечишда асосий эътиборни иқтисодий давлатнинг аралашувини камайтиришга, яъни солиқ юкини камайтиришга қаратиш лозим.

Солиқ юкини камайтириш учун эса, аввало, иқтисодийнинг турли тармоқлари ва корхоналарида солиқ юкининг қай даражада эканлигини аниқлаш талаб қилинади.


Солиқ юки муаммоси солиққа доир муаммолар ичида марказий ўринни эгаллайди, чунки у корхоналарнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир этади. Уларнинг фойда олиш жараёни айнан солиқ юкига бориб тақалади. Иқтисодий тармоқларида солиқ юкини ҳисоблашнинг моҳияти бу тармоқлар тенденциясини ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини

ривожлантириш, халқ хўжалигининг орқада қолаётган соҳаларини иқтисодий юксалтиришга шароит яратиш билан боғлиқ. Чунки иқтисодиётнинг айрим тармоқларида солиқ юкининг оғир ёки енгил бўлиши уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқ корхоналарида турли солиқ ставкалари, солиқларни ундиришнинг турли хил механизмлари ва йиллар давомида солиқ соҳасидаги енгилликлар солиқ юкини турли хил бўлишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда солиқ юки йилдан йилга пасайиб бормоқда (2-диаграмма) жумладан, соф солиқ юки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1991-йилда 45 фоизни, 2000-йилда 40 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016-йилга келиб 19,2 фоизни ташкил қилди.


2-диаграмма

Солиқ юкининг пасайиши, ЯИМ га нисбатан фоизда



Шундай тенденция ягона солиқ тўлови ставкаси бўйича ҳам кузатилмоқда (3-диаграмма). 2017 йил учун эса 5 фоиз қилиб белгиланди¹³.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ - 2699 сонли қарори

Ягона солиқ тўлови ставкасини йиллар давомида ўзгариши

Солиқ юки кўрсаткичи бу ҳар бир давлатнинг солиқ ва солиққа тортиш сиёсатининг самарадорлигини ифодалайдиган кўрсаткич ҳисобланади. Солиқ юкининг қанча юқори бўлиши иқтисодий ривожланишни шунча пасайтиради ва унинг қанчалик меъёр даражасида бўлиши иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга солиқ соҳаси бўйича кенг имкониятлар яратилиб берилаётгани билан амалиётда уларнинг айримларида солиқ юки юқориликча қолмоқда.

Хўжалик фаолиятини юритиш давомида кўпинча кичик корхоналар қўшилган қиймат солиғини тўловчи йирик корхоналар билан савдо амалиётларини амалга оширади. Табиийки, йирик корхоналардан харид қилинадиган товарларнинг қийматида қўшилган қиймат солиғи кўзда тутилган бўлади. Буни қуйидаги жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз:

Ягона солиқ тўловчи корхоналар иқтисодий фаолиятига қўшилган қиймат солиғининг таъсири (рақамлар шартли)

Кўрсаткичлар	А корхона (ишлаб чиқарувчи)	А корхонадан сотиб олувчи савдо корхоналари	
		Б савдо корхонаси	В савдо корхонаси
Сотилган товар қиймати	100000	132000	110000
Сотилган товар учун ҚҚС	20000	0	22000
Сотиб олинган ресурс қиймати	70000	120000	100000
Сотиб олинган товар учун ҚҚС	14000	0	20000
Фойда меъёри (савдо устамаси 10%)	30000	12000	10000
Бюджетга тўланадиган ҚҚС	6000	0	2000
Товарнинг ҚҚС билан бирга умумий қиймати	120000	132000	132000
ЯСТ ҳисобланиши	0	6600	5500
Бюджетга тўланадиган ЯСТ		6600	3500
Соф фойда		5400	6500

Мазкур соддалаштирилган мисолдан кўринадики, иккита ягона солиқ тўловчи корхонасидан бири (В) ихтиёрий ҚҚС тўловчиси иккинчиси (Б) ҚҚС тўловчиси бўлмаган корхона бир хил товар сотиб олиши ва ҚҚС ихтиёрий тарзда тўланган ҳолда ЯСТ тўловчиси йирик корхоналардан харид қилинган хомашё ва материаллар бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиш орқали корхона рентабеллигини ошириш имкониятига эга. Яъни, ихтиёрий ҚҚС тўловчи корхона ЯСТ 50 фоиз камайтириш ҳисобига В корхонасининг соф фойдаси 6 500 минг сўм, Б корхонага нисбатан 1 100 минг сўм кўпроқ соф фойдага эга бўлмоқда.

Қўшилган қиймат солиғини тўлашга ихтиёрий равишда ўтишдан аввал кичик корхонанинг молиявий хизмати таъминотчилар ва харидорларнинг таркибини таҳлил қилиб чиқиши, иқтисодий фойдани ҳисоб-китоб қилиши, харидорлар билан маҳсулотнинг сотув нархи оширилиши мумкин.

Бундан ташқари, шуни эътиборга олиш керакки, қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтгач, барча фаолият турларига, шу жумладан савдо ва бошқа фаолият турларига ҳам ушбу солиқ солинади. Бу ўз навбатида ушбу корхона учун солиқ юкини ошишига олиб келади.

Соддалаштирилган солиқ солишдан фойдаланишнинг яна бир номақбул томони мавжуд бўлиб, у солиқ тўловчилар учун солиқ юкини оғирлаштириши мумкин. Хусусан солиқ тўловчилар билан оддий ва соддалаштирилган солиқ солиш ўртасидаги битимлар туфайли ҚҚС оддий занжири узилганда салбий оқибатлар юзага келиши мумкин. Агар хом ашё, материаллар ва хоказоларни етказиб берувчи ҚҚС тўловчиси бўлмаса, миқдорнинг корхонаси харид қийматига киритилган солиқ учун бирор-бир қопламни талаб қила олмайди. Бу эса харидор чиқимларини кўпайтириб, бу билан унинг фойдасини камайтиради. Бу хил муаммолар ҚҚС тўловчиси амалга оширадиган харидлар чоғида ҳам юзага келади.

Ўзбекистон Республикасида соддалаштирилган солиқ режимларини жорий қилиниши иккита асосий аспект билан тавсифланади. Биринчиси – солиқларни унификация қилиш ва солиқ юкини қисқартириш йўли билан кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантириш. Иккинчиси – тушумни солиққа тортиш йўли билан савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги корхоналар томонидан солиқлардан қочиш имкониятларини қисқартириш.

Юқорида келтирилган мисолларимиз яқунида шуни айтиш мумкинки, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлаш кичик бизнес субъектларига қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш имкониятини беради, бу эса йирик корхоналарнинг кичик корхоналар билан тенг рақобат қилишини рағбатлантиришга олиб келади.

IV Боб. Ургут туман ДСИда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшабини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда

кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Ургут туман ДСИ ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹⁴ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва

¹⁴ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда

ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамызда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб

чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш

штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тесқари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Ургут туман ДСИда фавқулодда ҳолатлар доирасидаги чоратadbирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)¹⁵ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теvarак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силқиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи

¹⁵ Фавқулодда вазият кейингиларда-ФВ

портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чикувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам

ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи захарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, захарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поёздлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен

бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг кўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр

тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектларидаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шоншшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги ғавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ҒВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чиқиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиғи учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа зарарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво муҳитининг қуйидаги ингридиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлиғига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг қўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстеремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;

б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;

2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;

3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);

4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;

5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;

6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;

7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. Ургут туман ДСИда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш

билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкадан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Миллий иқтисодиётимизда соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида хўжалик субъектлари ўртасида солиқ юкини мутаносиб ва адолатли тақсимлаш лозим. Республика солиқ тизимининг амалдаги ҳолатида эса бу муаммо лозим даражада ҳал қилинган деб бўлмайди. Бунинг учун, республика солиқ тизимини такомиллаштиришнинг келгуси йўналишлари, Президентимиз томонидан кўп маротаба таъкидлаб келинаётганидек, солиққа тортиш тизими том маънода унификациялаш ва соддалаштириш масалаларига қаратилиши зарур.

Ҳозирги кунда солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритишда кўпгина давлатлар имтиёзлар ва чегирмаларни олиб ташлаш йўлидан бормоқда, янги тўловларни жорий қилишга интиломоқда. Бироқ бу ҳол даромаднинг ва солиққа тортиш капиталининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади.

Фикримизча, самарали солиқ тизими даромадларнинг кўпи билан 30 фоизини олиш билан давлат эҳтиёжини қондириши керак. Бу ўринда гап аввало, давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги мажбуриятлар ҳақида кетмоқда. Солиқ юки даражаси давлатнинг ижтимоий харажатларига боғлиқ ҳолда юзага келади. Зеро, солиқ юки аниқ солиқ тўловчининг фаолиятига зарар келтирмаслиги лозим. Шунинг учун давлат солиқ юкини белгилашда ўртача кўрсаткичлардан фойдаланиши зарур.

Албатта, ҳар бир мамлакат ўзининг миллий хусусият ва ишлаб чиқаришидан келиб чиқиб, солиқ юкини белгилайди. Ҳар бир мамлакатда турли хусусиятларга эга ўн минглаб фаолият юритаётган корхоналар бор. Уларнинг ҳар бири солиқ тўлашда турлича имкониятларга эга. Шу сабабли давлатлар миқёсида солиқ юкини қиёсий таҳлил қилиш ва

макродаражада солиқ юкини ҳисоблашда солиқлар ва тўловларнинг ЯИМга нисбатини олиш орқали ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган:

1. Республикада корхоналарнинг солиқ юкини ҳисоблашнинг расмий ва ягона услубини ишлаб чиқиш зарур. Бунда, солиқ юки муайян бир тадбиркорлик субъектида яратилган (қўшилган) янги қийматга ушбу қийматни яратиш жараёнида қонунчилик бўйича давлатга тўлаш учун ҳисобланган барча солиқлар, тўловлар ва мажбурий ажратмалар жамламасининг нисбати сифатида аниқланиши мақсадга мувофиқ.

2. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, солиқ юкининг корхоналар молиявий фаолиятига салбий таъсирининг асосий оқибатларидан бири бюджетга тўловсизлик, яъни солиқ қарзларининг юзага келишидир. Бу эса солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини пасайтиради. Шу сабабли, солиқ юкининг бюджет даромадларига таъсирини баҳолашда солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси кўрсаткичидан фойдаланиш зарур.

3. Республикада корхоналарни солиққа тортиш умумбелгиланган ва соддалаштирилган махсус тартибларда амалга оширилади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, солиқ тизимининг турли солиққа тортиш тартибларига асосланганлиги тадбиркорлик субъектлари орасида солиқ юкининг нотекис тақсимланишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, корхоналарнинг солиқ юки даражаларидаги тафовутларни қисқартириш ва миллий иқтисодиётдаги ялпи солиқ юки даражасига яқинлаштириш учун солиққа тортишнинг махсус тартибларидан босқичма-босқич барча тадбиркорлик субъектларини умумбелгиланган тартибда солиққа тортишга ўтиш зарур.

4. Корхоналарни солиққа тортишда фойда солиғининг нисбатан пастроқ ставкасини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 29 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
6. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, 13-сон
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. 12-сон.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т., 2005. - 88 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий

жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, 13-сон.

10. Абдурахмонов О., Кушакаев Б. Солиқ ислохотлари: изчиллик ва тадрижийлик. -Т.: Akademiya, 2005. – 180 б.
11. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
12. Алимардонов М.И. ва бошқ. Юридик шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Чўлпон, 2013. – 296 б.
13. Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – Т.: 2003. – 233 б.
14. Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 536 с.
15. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
16. Барулин, С.В. Теория и история налогообложения. Учебное пособие. - М.: Экономист, 2009. – 240 с.
17. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
18. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 200 с.
19. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
20. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
21. Вьлкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. — С-Пб.: Питер, 2004. – 250 с.
22. Гадоев Э., Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 264 б.
23. Гончаров. А. Прямые и косвенные налоги: поиск оптимальной модели. // Налоги. - 2008. № 6.
24. Есмурзаев Ж.Т. Маҳаллий солиқларни ундириш механизмини

- такомиллаштириш масалалари // Журнал налогоплательщика. – Т., 2006. - №7(65) -с.38-40.
25. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. - Т: Фан, 2004. - 224 б.
26. Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011. – 260 с.
27. Зайналов Ж.Р., Қосимова Ф.Х., Ахроров З.О. Солиқлар ва солиққа тортиш. Маърузалар матни. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. – 224 б.
28. Исаев А.А. Очерк теории и политики налогов. – М.: ЮрИнфоР-Пресс, 2004. – 270 с.
29. Исламкулов А.Х., Ражаббаев Ш.Р., Пардаев У.У. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш. Монография. – Т.: Спектрум Медиа Групп, 2015. – 160 б.
30. Камилов М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2007. – 22 б.
31. Қодиров Б.Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореферати. – Тошкент: БМА, 2004. – 22 б.
32. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.
33. Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: учебное пособие / А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: КНОРУС, 2011. – 320 с.
34. Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.
35. Майбуров И.А. и др. Теория и история налогообложения. 2-е изд.. перераб. и доп. - М., 2011. – 440 с.

36. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т., : Академия, 2002. - 279 б.
37. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? // Солиқ академияси. – Тошкент, 2006. – 32 б.
38. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т: Иқтисод ва молия, 2007. - 21 б.
39. Маманазаров А. Солиқ сиёсати. -Т.: Молия, 2003. – 160 б.
40. Мирзаев Ф., Давронов Ш. Тижорат банклари фаолияти: инновацияси, инжиниринги ва рискларни бошқариш амалиёти. Монография. – Т.: Молия, 2014. – 160 б.
41. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 380 с.
42. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М. 1996. – 192 с.
43. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
44. Саидов Д., Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268 б.
45. Соколов А.А. Теория налогов. М.: ЮрИнфоР-Пресс, 2003. -230 с.
46. Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
47. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
48. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент: Фан ва технология.- 2008.- 127-132 б.
49. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
50. Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 128 б.

51. Тошмурадова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. – Тошкент, 2005. – 265 б.
52. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.
53. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Мехнат, 1995. – 180 б.
54. Хван Л.Б. Солиқ ҳукуки. – Т.: Консаудит Информ, 2008. – 248 б.
55. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. - 301 б.
56. Ҳасанов Р.Р., Ҳайдаров Н.Х., Маликов Т.С. Молиявий бошқарув. – Т.: Ғафур Ғулом, 2009. – 840 б.
57. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т., 2008. – 264 б.
58. Черник Д.Г., Морозов В.П. Оптимизация налогообложения. – М.: Проспект, 2002. – 336 с.
59. Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 367 с.
60. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т., 2010. – 280 б.
61. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013. – 160 б.
62. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2002. – 576 с.
63. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т: Ғ.Ғулом, 2000. - 230 б.
64. Журнал ва газеталар:
- Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;

- Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
- Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.

65. Интернет сайтлари:

[http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)

[http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)

[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)